
"ЯНГИ" МФЙДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ

Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов барча секторлар раҳбарлари билан биргаликда бугун "ЯНГИ" МФЙ ҳудудидаги 37-сонли умумтаълим мактабида сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабулда 60 нафар фуқаролар қатнашиб, ичимлик суви, электр энергияси таъминотини яхшилаш, ободонлаштириш, моддий ёрдам кўрсатиш сингари мурожаатлар алоқадор ташкилотлар раҳбарлари иштирокида қабул қилиниб, масалага ечим топиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш чоралари белгиланди.

Фуқаролар томонидан 52 та мурожаат келиб тушган бўлса, 7 таси шу ернинг ўзида ҳал этилиб, 2 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Қолган мурожаатлар белгиланган тартибда тегишли масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

